Ушбу сонда:

2 *Қарор ва ижро* ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК ТУГАТИЛДИ

3 *Контрактация шартномаси-ислоҳотлар талаби* СУСТКАШЛИК ТАШАББУСНИ СЎНДИРАДИ

4 *Эл севган санъаткорлар* «УМР ЎТМОҚДАДУР, УМР ЎТМОҚДА...»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 январ, чоршанба №7 (839)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВАТАНГА САДОҚАТ ТАРБИЯСИ

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойлиги ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши бу муҳим тадбирни Мудофаа ва халқ таълими вазирликлари, «Камолот»,»Нуроний» жамғармалари ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда амалга оширди.

- Ойликни ўтказишдан асосий мақсад,- деди «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси, полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров,- халқ билан армия бирлигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашдан, ҳуқуқий билимини ошириш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича машғулотларга кенг жалб этишдан иборат эди.

Ойлик доирасида вилоят, шаҳар ва туман марказларида оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Шуни айтиш керакки, Бугунги кунда мустақил мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари шонли армиямиз сафида Ватан олдидаги конституциявий бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар хизмат жараёнида ҳарбий ва жанговар тайёргарликни тобора ошириб, замонавий ҳарбий техника сирларини пухта ўзлаштираётир.

Шуниси эътиборлики, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат, Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарларнинг ҳаёти билан яқиндан танишди. Шунингдек, ўқувчи ёшлар, «Ватанпарвар» ташкилоти автомобиль мактаблари курсантларини армиямиз ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида уларнинг ҳарбий қисмларга, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларга сафари уюштирилди. Курсантлар Куролли Кучлар Марказий музейи экспонатлари билан танишди. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи ва Қуролли Кучларимизнинг ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилди.

Ҳарбий қисмлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, «Ватанпарвар»нинг автомобиль мактабларининг курсантлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳушёрликка даъват»,«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарлари бўйича суҳбатлар бўлиб ўтди.Шунингдек, ҳарбий хизматга чақирилувчилар, ҳарбий билим юртлари курсантлари билан ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Мардлар қўриқлайди Ватанни!», «Куч - адолатда», «Сафдошингни ҳурмат қил», «Ҳарбий хизматчининг маънавий қиёфаси» каби мавзуларда қизиқарли учрашув ва суҳбатлар уюштирилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2000 йил мамлакатимизда Соғлом авлод йили, деб эълон қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни руҳан бой, жисмонан соғлом, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр қилиб тарбиялашда спорт алоҳида аҳамиятга эга. Ойлик давомида спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишга фуқароларимизни янада кўпроқ жалб қилиш, айниқса, спортнинг ана шу турларини ёшлар орасида оммалаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир спортнинг бу турлари билан мамлакатимизда 150 мингдан зиёд фуқаро шуғулланмоқда, 136 та спорт техника клуби, 35 та спорт-ўқув машқ базасига эга техника мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланиб ўтказилган оммавий-ватанпарварлик ойлиги келажагимиз бўлган ёш авлодни Ватанга, унинг шонли Куролли Кучларига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Суҳбатдош:
Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлаш ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Козим Носирович Тўлаганов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала шаҳар Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ.Д.Диловни Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Ғайбулло Дилович Дилов Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қ.Ғ.Обидовни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Қобилжон Ғофурович Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 январ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Тошкентда иккинчи чақириқ Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Козим Тўлагановни Тошкент шаҳри ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М.Раҳмонқулов ўқиб эшиттирди. Фармон бир овоздан тасдиқланди.

Сессия шаҳар кенгашининг доимий комиссияларини тузди ва тасдиқлади.

ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИДА

Навоийда иккинчи чақириқ Халқ депутатлари вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ғ.Диловни Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ўқиб эшиттирди. Фармон бир овоздан тасдиқланди. Сўнгра сессияда Халқ депутатлари вилоят кенгашининг доимий комиссиялари тузилди ва тасдиқланди.

* * *

Андижонда иккинчи чақириқ Халқ депутатлари вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Қобилжон Обидовни Андижон вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Носиров ўқиб эшиттирди. Фармон бир овоздан тасдиқланди.

Сессия қатнашчилари вилоят кенгашининг доимий комиссияларини тузди ва тасдиқлади.

«НАВРЎЗ»ГА ҲОЗИРЛИК

Фарғонада халқимизнинг қадимий умумхалқ байрами Наврўзга тайёргарлик бошлаб юборилди. Вилоят ташкилий қўмитаси шаҳарда ўтказиладиган театрлаштирилган байрам томошаси сценарийлари кўрик-танловини эълон қилди. Танлов шартларига кўра, уларда «Наврўз» байрами билан боғлиқ қадриятлар, халқ ижодиёти намуналари, миллий спорт ўйинлари, қатағон қурбонлари, истиқлол, соғлом авлод, ёшлар мавзулари тўла қамраб олинган бўлиши лозим.

«Наврўз» байрами томошалари танловда ғолиб деб топилган сценарий асосида тайёрланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2000 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартиби битта масалага - 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланди.

Мажлисда қайд этилганидек, 2000 йилнинг 9 январи мустақил Ўзбекистонимиз тарихида асрлар туташган пайтда содир бўлган, давлатимизнинг XXI асрдаги ҳаётига ва тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсий воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ҳозирги давлат бошлиғининг раҳбарлиги остида ва ташаббусига кўра амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ислом Каримов номзоди учун овоз берди. Бўлиб ўтган сайловнинг аҳамияти унинг муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтганлигидадир. Сайловчиларга танлаш имконияти берилди ва улар ўз хоҳиш-иродасига биноан, ўзи танлаган номзод учун овоз берди. Шак-шубҳасиз, бу ҳол жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма хиллиги ва қарашларнинг турлича бўлиши учун катта туртки беради, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг янада эркинлаштирилишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келиб тушган баённомалар асосида шуни аниқладики, 9 январда бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан 12 миллион 123 минг 199 сайловчи иштирок этди. Бу эса рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий миқдорининг 95,10 фоизини ташкил этади. Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзА).

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий Академияси Самарқанд вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Имом ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуини ҳамда юбилей эмблемасини яратиш бўйича Республика очиқ танловини эълон қилади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар белгиланган:

Энг яхши ёдгорлик мажмуи лойиҳаси учун 200.000 сўм.

Энг яхши юбилей эмблемаси учун 100.000 сўм.

Танловда ғолиб деб топилган ёдгорлик мажмуи ва эмблема амалда татбиқ этилади ҳамда матбуотда кенг ёритилади.

Танловда префессионал ва ҳаваскор меъмор, дизайнер, график рассомлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар:

Имом ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуи, юбилей эмблемаси - лойиҳа, усул, қўлланилган материал жиҳатидан чегараланмайди ва 2000 йил 30 январгача қуйидаги манзилга топширилиши шарт: **700029, Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 40 уй.**

Маълумот учун телефон: 56-53-46

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида миллий мусиқа меросимизнинг нодир намуналари жамғармасидан иборат бой фонохазина мавжуд. Унда ўн тўққизинчи аср охирларидан бошлаб ҳозирги кунгача, аниқроғи илк дастгоҳ - фонограмма валикларида ва кейинги ярим асрдаги магнит тасмаларида амалга оширилган ҳамда юз йиллик тарихга эга бўлган бир миллион метрдан ортиқ ёзувлар сақланмоқда.

Таниқли япон рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг биринчи хорижий аъзоси жаноб Икуо Хирояманинг совғаси - магнит тасмалардаги ёзувларни лазер дискларга кўчирувчи аппарат ёрдамида бу фонохазинанинг умри яна камида юз йилга узаядиган бўлди. Санъатшунослик институти илмий ходим ва мутахассислари қўлга киритилган имкониятдан фойдаланиб, ана шу хазинадан «Буюк ипак йўли оҳанглари» деб номланган лазер дисклар туркумини яратишга киришди. Зеро, фонохазинада ватанимиз бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли ҳудудларининг бетакрор оҳанглари сақланмоқда.

Ҳозир машҳур созанда ва хонандаларимиз турли йилларда ижро этган ўттиз учта мусиқий асардан иборат дастлабки лазер диск тайёр бўлди. Миллий мусиқа санъатимиз ўтмишини ўзида мужассамлаштирган ушбу диск миннатдорлик рамзи сифатида Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Кёко Накаяма хонимга топширилди.

- Японияда жаҳонни мафтун этиб бораётган Ўзбекистон санъатига қизиқиш катта,-деди элчи совғани қабул қилиб олар экан. - Шубҳасиз, ушбу лазер дисклари кўпайтирилгач, японияликларни ўзбек мусиқа санъати билан яхшироқ таништиришга, уларни илмий ўрганишга кенг имконият яратилади.

Мустақил диёримизнинг нурафшон келажаги кўп жиҳатдан ёшларимизнинг нечоғли замонавий фан-техника сирларини пухта эгаллаб олишларига боғлиқ. Бунинг учун ўрта мактаблардаги таълим тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистондаги Беруний туманининг 38-ўрта мактабида ҳам илғор, тажрибали ўқитувчилар меҳнат қилишади. Улар орасида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Рустам Худойберганов ўзининг фидойилиги билан ажралиб туради. У ўқувчиларга сабоқ беришда турли-туман кўргазмалардан унумли фойдаланади. Шундан бўлса керак, яқинда Республикада ўтказилган конкурсда ғолибликни қўлга киритди.

Суратда: олий тоифали ўқитувчи Р.Худойберганов.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.



OLAMDA NIMA GAP

СЯНГАН. Жорий йилда Хитой корхоналарида 12 миллион ишчи вазифасидан озод этилади. ХХР ижтимоий таъминот ва меҳнат вазири Чжан Цзоцзи иш таъминоти масаласи бўйича ўтказилган бутунхитой анжуманида шу ҳақда маълум қилди.

Вазирнинг таъкидлашича, ҳукумат олдидаги вазифаларидан бири ишсизлик даражасини 3,5 фоизда сақлашдан иборат. Айни пайтда мамлакатдаги миллионлаб ишсизлар ойига 100 юан (12 АҚШ доллари) миқдорида ёрдам пули олмоқда.

Синхуа ахборот маҳкамаси хабарига кўра, ўтган йили давлат корхоналаридан нафақага чиққанларнинг 98 фоизи тўла ҳажмда нафақа пулини олмаяпти. 1999 йилда нафақахўрларга жами 13,3 миллиард юан (1,6 миллиард АҚШ доллари) тақсимланган.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. 10 январ куни БМТнинг бош қароргоҳида молиявий террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция имзоланишга қўйилди. БМТ Бош котибининг расмий вакили Фред Экхарднинг маълум қилишича, халқаро ҳужжатни биринчи кундаёқ етти давлат - Финляндия, Франция, Нидерландия, Шри-Ланка, Малта, АҚШ ва Буюк Британия имзолаш ниятини билдирган.

Конвенция 1999 йил 9 декабр куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватланган. Ҳужжат халқаро ҳамжамиятга аъзо барча мамлакатларни молиявий террорчилик фаолиятини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишга чақиради.

Конвенция 22 мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилинганидан сўнг, 30 кун ўтиб кучга киради.

* * *

ОСТОНА. Қозоғистонга Россия ҳарбий техникалари сотила бошланди. Ҳарбий техника савдоси ўтган йилнинг ноябр ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатга биноан амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Россия Қозоғистон ҳарбий ҳаво кучларига СУ-27 русумли қирувчи ва Л-39 русумли ўқув-машқ самолётларини етказиб бермоқда. Шунингдек, келажакда Россия Қозоғистонга С-300 русумли зенит-ракета мажмуаси ҳамда бошқарув пунктлари сифатида фойдаланиладиган ТУ-154, ТУ-134 русумли самолётларни сотишни режалаштирмоқда.

* * *

МАНИЛА. Филиппин марказий банки маълумотларига кўра, 1999 йилда мамлакат валюта захираси 15 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилгисидан 39 фоиз кўп.

Мамлакат валюта захирасининг кўпайиб боришига хорижий сармоя ҳажмининг ошаётгани ва маҳаллий тадбиркорликнинг хориждаги фаолияти кенгаяётгани сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, Жаҳон Банки Филиппинга 400 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит етказиб бергани мамлакат валюта захирасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

* * *

МИНСК. Беларус Президенти Александр Лукашенко ҳамда Украина Президент Леонид Кучма телефон орқали суҳбат қурди. Улар икки томонлама алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Шунингдек, икки давлат раҳбари ўз мамлакатидаги вазият тўғрисида бир-бирига маълумот берди ва ўзаро фикр алмашди.

* * *

БЕРЛИН. Германиянинг авиа-космик концерни «Даймлер-Крайслер аэроспейс» (ДАСА) россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда кўп марта фойдаланиладиган космик кема яратишга киришди. Янги космик кема илгари Россияда ишлаган «Фрегат» космик аппарати асосида қурилади.

* * *

АНҚАРА. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф доирасида у Туркия Президенти Сулаймон Демирэл билан учрашди. Учрашувда Озарбойжон нефтини жаҳон бозорига олиб чиқувчи «Баку-Жайҳун» лойиҳасини амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, томонлар Чеченистондаги вазият, Қорабоғдаги можаролар ҳамда бу минтақада барқарорликни ўрнатиш масаласи хусусида ҳам фикр алмашди.

* * *

ЖЕНЕВА. Швейцариянинг Цюрих шаҳридан Дрезден шаҳрига йўл олган «Кроссэр» авиакомпаниясига қарашли «СААБ-340» русумли самолёт ҳалокатга учради.

Маҳаллий полиция маҳкамасининг хабарига кўра, самолёт бортида етти нафар йўловчи ва уч экипаж аъзоси бўлган ва ҳаммаси ҳалок бўлган. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

OLAMDA NIMA GAP

Қарор ва ижро

Ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахта-банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлганимизда биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳаётга қандай тадбиқ этилаётганлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхона ва хўжаликлардаги иш ҳақидан бўлган қарзларнинг берилишини назорат қилиш учун бошқарманинг масъул ходимлари бўлимларга бириктирилди. Улар шу банк бўлимларидаги корхона ва ташкилотларнинг ойлик маошдан қарзи тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда, уларга бу йўналишда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ёрдам бердилар. Натижа ёмон бўлмади. Агарда шу йил бошида банк хизмат кўрсатаётган хўжалик субъектларида 1 миллиард 266.1 миллион маошдан қарз мавжуд бўлган бўлса, 1 декабрга уларнинг бир тийин ҳам қарзи қолмади.

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК ТУГАТИЛДИ

- Бошқармамиз томонидан маошга берилган маблағни мақсадли сарф қилинган ва қилинмаганлигини билиш учун текширишлар ўтказиб турамиз, - дейди унинг раҳбари Рўзимбой Қурбонов. - Яқинда шундай тадбирларнинг бирини ўтказганимизда, Манғит туман бўлими хизмат кўрсатаётган «Юлдуз» пахта тозалаш заводида бу борада жиддий камчиликка дуч келинди. Корхона маъмурияти ойлик маошга деб олинган 1 миллион 390 минг сўм маблағни хизмат сафари, нафақа, овқат пули, пенсия ва бошқа мақсадларга йўналтирган. Текшириш натижалари туман прокуратурасига топширилди.

Бошқармада дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Хусусан, туман бўлимларида бошқарма ходимлари иштирокида ҳар ҳафтада молиявий кун ўтказилади. Унда хўжаликлар ўртасидаги олди-берди қарзлари пухта ўрганилади ва бир кунлик кредитлар ажратилади. Бу маблағ айланиб-айланиб банкнинг ўзига келиб тушади. Лекин унинг иқтисодий самараси яхши бўлади. Масалан, ажратилган 5 миллион кредит 15-20 миллион ўзаро қарзларни узади. Ушбу ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши йил натижасида бошидан дебиторлик қарз 3 миллиард 833 миллион сўмга камайтирилди. Бошқача айтганда, бошқармада хизмат кўрсатаётган хўжалик субъектларнинг йил бошида 4 миллиард 256 миллион қарзи дебитор бўлган бўлса, бу рақам 1 декабрга келиб атиги 423 миллион сўмни ташкил этди. Кредитор қарзлар 3 миллиард 602 миллион сўмга қисқартирилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда банкларнинг аҳамияти катта. Буни яхши тушинган бошқарма ходимлари деҳқон фермер хўжаликлари ва бошқа кичик, ўрта корхонларни молиявий қўллаб-қувватламоқдалар. Хусусан, жорий йилда улар учун 49 миллион 476 минг сўм кредит ажратилди. Бу пулларга тадбиркорлар ўзлари керакли қишлоқ хўжалик техникаси ва корхонани ривожлантириш учун дастгоҳ ва ускуналар сотиб олдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишбилармонлар учун юқоридаги ажратилган маблағ республика бўйича энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Банкни мижозга яқинлаштириш ва улар билан компьютер алоқасини ўрнатиш бозор иқтисоди талабларидан биридир. Бошқармада бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Манғит туманининг «Оқ олтин» жамоа хўжалигида «Мини банк» ишга туширилди. Ҳозир бу кичик банк ён атрофидаги бешта жамоа хўжалигига хизмат қилмоқда. Келажакда 5 та туманда мижоз билан тўғридан-тўғри компьютер алоқаси ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Бунда маблағи кам жамоа хўжаликларни компьютер билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш ҳам режалаштирилган.

Банк тизимини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштириш мақсадида 1995 йили Тўрткўлда ходимларни компьютерга ўргатиш худудий ўқув маркази ишга тушганди. Марказда 50 та компьютер ўрнатилган бўлиб, ҳозиргача бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларидан қанчаданқанча ходимлар ўз малакаларини ошириб кетдилар.

Жамоада кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ходимларнинг тўй-маъракаларига ёрдам бериш, беморлар ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган. Масалан, бошқармада етти йилдан бери ишлаб келаётган, ҳозирда касалхонада ётган Алия Пролиева қуйидагича ҳикоя қилади.

- Ҳозир ёшим 25 да. Яқинда мазам бўлмай касалахонага тушиб қолдим. Бирлашма раҳбариятига раҳмат. Дори-дармон олиш ва бошқа харажатларим учун ишхонам икки ойлик миқдорида ёрдам пули берди. Бундан ташқари ҳамкасбларим қунора хабар олиб туришади. Яхши одамлар бошига мусибат тушганда синалади дейишади.Шу рост экан. Бўлмасам бошқармамиз касаба уюшмаси раиси Абдусалим Мирзақулов мендай бир оддий ходимнинг аҳволидан икки марта хабар олармиди?

Маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасидаги қабул қилинган жамоа шартномасидаги мажбуриятларни тўла ҳаётга тадбиқ этиш борасида ҳам анча ишлар қилинаётир. Унга асосан, ҳар ойда ишнинг якунига қараб бир ойлик маош миқдорида пул мукофоти берилмоқда. Йил якуни бўйича ходимлар иш стажига қараб 6 ойлик маошгача мукофот билан сийландилар. Ўн учинчи ойлик эса 1998 йили ҳар бир сўмга 73 тийинни ташкил қилди. Натижада ходимлар 100 минг сўмгача қўшимча даромад олишди. Бундан ташқари ҳар бир ходимга 3500 сўмдан транспорт ва овқат пули берилади. Кейинги икки йил давомида бошқарманинг 28 нафар ходимига уй-жой текин ажратилди. Шундан 20 хонадоннинг бошқарма ўзи қурди. Қолган 8 хонадон бошқа жойлардан сотиб олиб берилди. Тўрткўлда яна 8 ходимга уй қурилмоқда. Ходимларнинг фарзандлари ва набиралари учун ҳар бири минг сўмлик 300 та янги йил совғалари топширилди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

«СУПЕРТЕКСТИЛЬ» ОДИМИ

Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги «Супертекстиль» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси 1991 йилда ташкил этилган. Унинг таъсисчилари «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ҳамда Американинг «Ай-Ти-Ай Трейдинг интернейшнл» компаниясидир. Мазкур қўшма корхонанинг низом жамғармаси 7,1 миллион АҚШ долларига тенг. Томонлар корхонага тенг миқдорда маблағ сарфлаган. 1999 йил август ойида эса пахта толасидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган калава ип йигиришга ихтисослашган мўъжаз қўшма корхона тўла лойиҳа қувватига эришди. 1999 йилнинг ноябр ойида корхона ип йигириш режасини 179 фоиз қилиб бажарди ёки дастгоҳларнинг режалаштирилган қувватидан 106 фоиз фойдаланишга эришилди.

Швейцариянинг «Ритер», Германиянинг «Цинзер», Японияннинг «Мурата» фирмалари дастгоҳлари ўрнатилган ушбу қўшма корхонада туну-кун ҳаёт қайнайди. Корхона омборида фақат хомашё сақланади, тайёр маҳсулот эса қадоқланиши биланоқ харидорларга жўнатилмоқда. Харидорлар олдиндан пулини тўлаб қўйиш учун ҳам навбатда туришади. Чунки «Супертекстиль»да тайёрланган сифатли калава ипни ишлатаётган тўқимачилик корхоналарида дастгоҳларнинг иш унуми иккиуч баробар ошишини харидорлар яхши билишади.

Корхонада 300 га яқин ишчи меҳнат қилади. Улар, асосан, қиз-жувонлардан иборат. Бу ерда биронта ҳам хорижлик мутахассис йўқ. Мураккаб дастгоҳларни ишлатишга эса ўн-ўн беш маҳаллий муҳандис масъул. Ўтган йили хорижга 20 тонна маҳсулот жўнатилган бўлса, бу йил 100 тоннадан зиёд калава ип жўнатилди. Йилига 1200 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга бўлган корхона учун бу кам эмас. Дунё бозорини ўрганаётган мутахассислар яқин йиллар ичида тайёр маҳсулотнинг саксон фоизини экспорт қилиш имконияти мавжудлигини аниқлашди.

— Корхонамизнинг соатдай аниқ ва бир маромда ишлаётганидан мамнунман, - дейди қўшма корхона директори Қаҳрамон ака Сардиев. - Биз ишни йўлга қўйиб олдик. 1999 йил якунига кўра эллик миллион сўм соф фойда олдик. Дастлабки фойдани тўқимачилик фабрикаси учун, кейингиларини эса тайёр кийимкечаклар тикадиган фабрика қуришга сарфламоқчимиз. Ҳисоб-китобларимиз бу режаларни бемалол амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ҳозир бу ерда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 24 минг сўмни ташкил қилмоқда. Ишчилар учун барча имкониятлар яратиляпти. Яқинда корхона қошида уч сменада ишлайдиган ошхона ишга туширилди.

Унга ҳар бир ишчи учун корхона ҳисобидан 4,5 минг сўмдан ўтказилди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган ишчи ва хизматчиларга, шунингдек, тўй ва бошқа маъракалар ўтказаётганларга ҳамда даволаниш учун мунтазам суратда ёрдам пули бериб турилибди. Корхона раҳбарларининг ишчиларга бўлган бундай эътибори ва ғамхўрлиги, сўзсиз, корхонадаги иш унуми ва маҳсулот сифатини янада яхшиланишига қўл келади, дея ишонч билан айта оламиз.

Суратда: Йигирув цехи бригадири Зулфия Музаффарова (ўртада), йигирувчилар Умида Раҳимова ва Махфират Жалолова

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Шўрчи туманида бўлганимизда, Жўра Хўжамиёров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Ўрта бўз» деҳқон фермер хўжалиги бошлиғи Тўхта Эшимов ҳақида гапириб беришди.

Касаба уюшма ҳаёти

МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕР

— Унинг амалга ошираётган ишларини бошқалар ҳам билсин, ўрнак олсин, — дейди ҳамқишлоқлари.

Уни ям-яшил майса бўлиб қолган буғдойзорда учратдик. У билан суҳбатимиз табиийки фермер хўжалиги фаолияти ҳақида бўлди.

— 1998 йили 82 гектар суғориладиган ерда 40 нафар ишчи билан мустақил ишлай бошладик, — деди у. — Шунда баъзилар: — Уялиб қоласан. Яхшиси, бригадирлигингни қилиб юрмайсанми, дейишди. — Кўрасанлар, ҳали Тўхта Эшимов бекорга «Меҳнат шуҳрати» орденини олмаганлиги-ю, касаба уюшмалари мукофотининг лауреати бўлмаганлигини, деб ўз сўзимнинг уддасидан чиқишга аҳд қилдим.

Ўша йили 40 гектар пахта майдонидан 48 центнердан жами 155 тонна «оқ олтин» етиштирдик. Мавжуд 40 гектар ғалладзордан 35 центнердан ҳосил олинди. Моддий манфаатдорликка эришган ишчилар ўтган йили янада ғайрат кўрсатиб ишлашди. 40 гектар пахта майдонидан 176 тонна аъло навли чўл дурдонаси етиштирилди, давлатга 104 тонна буғдой топширилди. Бундан ташқари, фермер хўжалигимизнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Жовли Тўраев билан ҳамкорликда имзолаган жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчига 100-150 килограмм буғдой, 40-45 килограмм шоли, 50 килограммдан ўсимлик ёғи, 300-400 килограммдан қунжара берилди. Даромад ҳисоблаб чиқилганда роппа-роса 4 миллион сўм соф фойда олишга эришибмиз. Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз билан келишувга биноан 25 нафар хотин-қизларимизни айни шу кунларда меҳнат таътилига чиқардик. Уларнинг ҳар бирига бир ойлик иш ҳақи миқдорида 4,5-5 минг сўмдан пул бердик. Айни қиш фасли бўлсада, дала шийпонимиз, - иккинчи уйимиз. Хоналар иссиқ, ишдан сўнг ишчилар маданий дам олиб, телевизор кўришади. Радио тинглаб, кундалик матбуот нашрлари билан танишишади. Ҳар куни дала шийпонимизда иссиқ овқат бепул берилади.

Янги йил байрами арафасида ишчиларга гўшт, ўсимлик ёғи тарқатдик. «Миллий кураш ойлиги» муносабати билан фойдамиз ҳисобидан хўжалигимиз ҳудудида кураш мусобақаси ташкил қилдик. Мутлақ ғолибга бир бош хўкиз, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари берилди. Зеро, истиқлол туфайли иқтисодий самарадорликка эришаётганлигимиз, эртанги кунимизнинг янада порлоқ бўлишига ишонч туғдирмоқда. Мустақиллик берган улуғ неъмат-эркинлик биз ва бизга ўхшаганларда ерга хўжайинлик ҳиссини уйғотди. Қишлоқларга замонавий техника воситаларини кириб келишига йўл очди. Республика Президенти Фармонлари ижроси туфайли аҳолининг тоза ичимлик суви, газ, электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қондиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Янги лицей, коллежларда таълим олаётган ёшларимиз юртимиз буюк келажагига пойдевор қўйишларига шубҳа йўқ.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

Пахтаобод туманининг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош уч хўжалиги - «Намуна», «Андижон», шунингдек, «Гулистон» агрофирмаси ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли учун янги йил хайрли келди. Кўҳна Маданият қишлоғи яқинида қуриб битказилган автомат газ тақсимлаш станцияси ишга тушгач, мазкур хўжаликлар қишлоқларига «зангори олов» келди.

Мазкур хўжаликларда маҳсулот етиштириш тобора кўпайиб, олинаётган даромад ортаётгани қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўпроқ маблағ сарфлаш имконини бермоқда. Жумладан, газ тақсимлаш станциясини қуриш ва бир неча километрли магистрал газ тармоғини тортиш учун 40 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган бўлса, унинг 26 миллион сўми ана шу уч хўжалик даромади эвазига қопланди.

«ВОРОЗУН» ШИФОХОНАСИ

Қизилтепа туманидаги «Ворозун» хўжалигида «Соғлом авлод йили»нинг дастлабки кунларида замонавий қишлоқ врачлик пункти очилди. Бир йўла эллик бемор қабул қилинадиган бу шифо маскани энг янги тиббий асбоб-ускуналар, доридармон, шунингдек, телефон, газ, иссиқ сув билан таъминланди. Бу ерда беморларнинг кундузи ётиб даволаниши ҳам мумкин.

ЎзА.

2000 йил - Соғлом авлод йили

ЁШЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН

Жондор туман ҳокимлиги Соғлом авлод йилида амалга ошириладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ ҳозирдаёқ янги йил кечаси туғилган чақалоқларнинг ҳар бири номига омонат дафтарчаси очилди ва 10 минг сўмдан пул қўйилди. Бу кутилмаган омад туманда 1 январга ўтар кечаси туғилган 6 нафар чақалоққа насиб этди.

Умуман, янги йил кечаси Бухоро вилояти бўйича 58 нафар чақалоқ дунёга келди. Соғлом авлод учун жамғармаси вилоят бўлимидан маълум қилишларича, уларнинг ҳам барчаси шундай эътиборга сазовор бўлади.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш, улар учун етарли шароитлар яратилишига эришишдан иборатдир. Уюшмамиз талабаларга хизмат қилишини эътиборга оладиган бўлсак, зиммамиздаги масъулият янада ортади. Бу борада институт раҳбарияти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Айниқса 2000 йил - «Соғлом авлод йили» деб аталиши муносабатибилан талаба ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, касаба уюшмамиз тавсияси билан мурувват ўн кунлигида қам таъминланган 659 талабанинг ҳар бирига 3585 сўмдан, жами 2 миллиондан ошиқ пул моддий ёрдам тариқасида берилди.

Институтимизда меҳнатни муносиб баҳолаш, ўқишда ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Юз кишидан иборат фахрийлар, ўқитувчилар ва талабаларни қадимий шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухорога 3 кунлик саёҳатда бўлиб қайтдилар. Бунинг учун 800 минг сўм сарфлашди.

Айни кунларда «Соғлом авлод йили» дастурига биноан 1.5 миллион сўмга вакциналар олиб келиниб, гриппга қарши оммавий эмлаш ўтказилмоқда. Албатта, институт олдида бундан ҳам катта вазифалар турибди. Институт раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси «Соғлом авлод йили» учун комплекс режа қабул қилиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар турмуш шароитларини янада фаровонлаштириш йўлида барча имкониятларни қўллаб келмоқдалар. Бу режаларда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш асосий ўрин тутади.

А.ЮСУПОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси.

МУРУВВАТ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НУКУС. «Қорақалпоқтранс» давлат-ҳиссадорлик бирлашмаси Чимбой туманидаги қариялар уйини оталиққа олиб, уларга бир неча миллион сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб берди. Қорақалпоғистонда «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний», «Болалар», «Соғлом авлод учун» каби жамғармалар савобли ишларни давом эттирмоқда. Жумладан, халқаро «Экосан» жамғармаси ва Қизил ярим ой жамияти орқали АҚШдан келтирилган бир неча юз тонна озиқ-овқат ёрдамга мухтож, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

ФАРҒОНА. Вилоятда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногиронларга хайрия ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Бағдод туманидаги 88-ногирон болалар махсус интернати тарбияланувчиларига вилоят ҳокимлиги томонидан «Дамас» автомобили туҳфа этилди. Ҳомийлар болажонларга совға-салом топширди.

Чақалоқларнинг омонат дафтарчаси

Огоҳлик

КЎЧКИ Оқими

Қашқадарё ўзининг табиий ва жўғрофий жойлашиши, иқлими жиҳатидан ер кўчиши, сел ва сув тошқини сингари фавқулодда ҳодисалар рўй бериб турадиган воҳалардан ҳисобланади. Айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятда ижобий силжишлар рўй берди. Шу муносабат билан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Р.ҲОЛИҚОВ билан суҳбатлашдик.

- Вилоятимиз ҳудуди республикамизнинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, табиати бироз мураккаб: геологик жиҳатдан қорли тоғлар, адирликлар, ясси текислик, чўл ва чала чўллар анчагина жойни ишғол этади,- дейди Рўзикул Эргашевич. - Шу боис табиий ва техноген тавсифдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий бойликларни сақлаб қолиш, сел, сув тошқини, кўчки хавфи мавжуд бўлган жойлардан одамларни кўчириш, табиий офат содир бўлган тақдирда унинг асоратларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва кўчкини кузатиш хизмати томонидан хавфли кўчки ва сел оқими эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудларда яшовчи ҳар бир хонадон такроран текширилиб, тегишли ҳокимликлар, ташкилот, корхона раҳбарлари ва уй эгаларига кўрсатмалар берилди. Кўчки хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар ҳисобга олиниб, тегишли амалий чора-тадбирлар бегиланиши дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, муҳандис-техник ишлар амалга оширилгани туфайли оилаларни кўчиришга ҳожат қолмади. Ушбу тадбирларни бажариш учун барча фуқаролар муҳофазаси хизматлари, бошқарма ва ташкилотлар ҳамда уларга тегишли бўлган куч ва воситалар жалб этилди. Бу ишларимиз ўз самарасини бермай қолмади, албатта. Мисол учун, 1998 йилнинг май ойида Қамаши туманининг Лангар қишлоғида юз берган жуда катта ер кўчкиси натижада 22 млн. метр куб тупроқ-кум ва харсанглар ўз ўрнидан кўчиб, бир неча хонадонга шикаст етганди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли ҳеч ким зиён-заҳмат чекмади.

Хавфли ҳудудларга аҳолининг қайтиб келмасликлари ҳамда бегона транспорт воситалари ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шлагбаумли постлар, махсус тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилиб, ички ишлар бўлими, жамоатчилик вакилларидан иборат навбатчилар тайинланди ва аҳоли хавфсизлигини ҳимоя қилиш қишлоқ фуқаролар йиғинлари, жамоа ширкат хўжалиги раҳбарлари, участка нозирлари зиммаларига юкланди. Табиий офат юз бериши мумкин бўлган ҳудудлардан кўчирилган аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун барча шарт-шароитлар ва тиббий ёрдам учун туман марказларида дори-дармонлар заҳираси яратилган.

Ўтган йилнинг 30 апрелигача сел ва сув тошқинини талафотсиз ўтказиш бўйича асосий йўналиш Қашқадарё, Танхоздарё, Яккабоғдарё ва Лангар дарёлари ўзанлари ва қирғоқларини таъмирлашга ҳамда сув омборларининг хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилган бўлиб, жами 88 млн. сўмлик муҳандис-техник тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тупроқ, бетон, тош териш ишлари, шунингдек, сув йўллари тизимини тозалаш ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари ниҳоясига етди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, кўчки ва сел хавфи бўлган ҳудудлардан аҳолини тезлик билан кўчириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиш ва қутқарув ишларини олиб бориш учун барча туманлардаги хавфли участкаларга ҳаракатланиш учун қўшимча автомобил йўллари тахт қилиб қўйилган. Айни пайтда Деҳқонобод туманидаги Чак-чак йўлини қуриш учун 19 млн. 468 минг сўмлик ва Қамаши - Лангар автомобил йўли қурилишини тугаллашда 9 млн. 445,9 минг сўмлик иш бажарилди. Вилоят автойўл бирлашмасига қарашли автомобил йўллари ва кўприкларни таъмирлашда 110 млн. сўмликдан зиёд тиклаш ишлари адо этилди.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш, уларга ўз вақтида хабар беришни яхшилаш мақсадида вилоятимиз ҳудудидаги барча халқ хўжалиги муассасаларининг аҳоли пунктлари ва 4 та йирик (Ҳисорак, Чимқўрғон, Пачкамар, Таллимаржон) сув омборларида алоқа воситалари, товуш берувчи сиреналар ўрнатилди. Ҳозирги кунда кичик сув омборларида ушбу техник алоқа воситаларини ўрганиш бўйича лойиҳалаш ишлари бошланган ва маблағ масаласи ҳал этилмоқда.

- Фавқулодда вазиятларга тайёр туриш юзасидан ўқув машғулотлари ўтказиш ишлари қандай кетаяпти?

-Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланган ўқув режасига кўра «Вилоят фавқулодда вазиятлар давлат тизими раҳбар ходимларининг сел, сув тошқини, ер кўчкиси ва бошқа табиий офатлар содир бўлиш хавфи туғилганда ҳамда уларнинг асоратларини бартараф этишдаги ҳаракатлари» мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Асосий эътибор машғулотлар давомида тизим раҳбар ходимларининг аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни сақлаб қолиш ёки зарар миқдорини камайтиришга эришишда янги услуб ва воситаларни қўллаш масалаларига қаратилди. Ушбу тадбирга вилоятимиздаги шаҳар ва туман ҳокимлари - фуқаро муҳофазаси бошлиқлари, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, халқ таълими

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари нозири Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

Савол: 20 йилдан бери бир корхонада ишлаб келаяпман. Яқинда раҳбаримиз ўзгариб, ҳамма ходимлар билан муддатли шартнома тузиб чиқди, жумладан эски ходимлар билан ҳам. Шу тўғрими?

Н.ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳри.

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 75-моддасига асосан меҳнат шартномалари номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга маълум ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган, деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талаблари ҳисобга олинмасдан муддатли меҳнат шартномасини тузиш ходимнинг аҳволини қийинлаштиради. Шунга кўра, ушбу кодекснинг 5-моддасига биноан унинг ҳақиқий эмаслиги эътироф этилиши керак. Бунда меҳнат шартномасининг ўзи ҳақиқий эмас, деб тушунмаслик зарур. Бу ерда биз мазкур шартноманинг муддатига тааллуқли фақат бир шартнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида сўз юритмоқдамиз. Бу вазиятларда ходим биринчи кундан бошлаб шартнома бўйича номуайян муддатга ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Олдиндан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари асосида меҳнат қилиб келаётган ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси фақат уларнинг розилиги билангина қайта тузилиши мумкин.

Агарда ходим билар-билмас қайта тузилган муддатли меҳнат шартномасига имзо чеккан бўлса, у ҳолда меҳнат шартномасининг ўзи эмас, унинг фақат битта банди, яъни муддати ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига асос бўлади ва ходим билан меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

Савол: Уч йилдан буён «Хоразм» ширкат хўжалигида 1 гектар 45 сотих ерга пахта экиб келмоқдамиз. Хўжалигимиз 1999 йилда ширкат хўжалигига айлантирилди. Мен меҳнат таътилига чиқиш учун ариза берсам, раҳбарлар рухсат беришмади. Шу тўғрими?

Илҳом АННАПОВ,
Хонқа тумани.

Жавоб: 1996 йил 1 январдан амалга киритилган янги Меҳнат Кодексининг аввалги Меҳнат қонунлари ҳақидаги кодексдан асосий фарқи шундан иборатки, аввалги кодекс жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат муносабатларини тартибга солмас эди. Бу масала колхозларнинг Низомларида қайд этилиб, шунга биноан ҳал этиларди. Ҳозирги амалдаги Меҳнат Кодекси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ташкилот, корхона, муассасалар, жумладан, жамоа хўжаликлари ва ширкатларда, мулкчиликнинг туридан қатъий назар, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини ва умуман меҳнат билан боғлиқ масалаларни тартибга солади. МКнинг 133-дан то 152 моддаларига суянган ҳолда айтиш керакки, Сиз ҳам барча ходимлар каби ҳар йилда жамоада белгиланган миқдорда (аммо унинг миқдори 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас) йиллик меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Сизга сўнгги йиллар давомида меҳнат таътили берилмаслиги қонун талабларига зиддир. Сиз ўз ҳуқуқингизни тикланишини Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ёки тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд маҳаллий меҳнат биржаларидаги меҳнат ҳуқуқи нозирларидан талаб қилишингиз мумкин. Улар, албатта бу масалани ечишда ёрдам кўрсатадилар. Мабодо низоли вазият юзага келиб қолгудек бўлса, бу масала суд органларида ҳал этилади.

Эслатиб ўтишимиз керакки, меҳнат таътиллари, агар у ёки бу сабабга кўра ўз вақтида фойдаланилмай бир неча йиллиги йиғилиб қолган бўлса ҳам, бу таътиллар «куйиб» кетмайди, балки, ходимнинг меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, шу таътиллардан тегишли ҳақини олган ҳолда, ундан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотмайдилар. Агар меҳнат муносабати бекор қилинаётган бўлса, у ҳолда фойдаланилмаган таътиллар учун тегишли компенсация оладилар.

2000 йил январ ойининг 2-ярмида газетамиз сонларидан бирида ширкатларда меҳнат қилаётганларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш борасида бафуржа тушунча берамиз



Жонсаид Турдиев ҳалол меҳнат туфайли катта обрў-эътибор қозонган табаррук инсонларнинг бири. У узоқ йиллардан буён Олмалиқдаги Қалмоқир конида экскаватор машинисти бўлиб ишлаб келаяпти. Меҳнат фахрийси смена меъёрини ҳамиша ортиғи билан бажаради. Ўндан ортиқ шогирдлари ўзи каби ташаббус кўрсатиб фаолият юритишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Контрактация шартномаси — ислоҳотлар талаби

СУСТКАШЛИК ТАШАББУСНИ СЎНДИРАДИ

Илм-фан заҳматини игна билан қудуқ қазишга ўхшатишади. Чиндан ҳам шундай, Одил ака олтмиш йиллик умрининг аксарияти шу тарзда кечди. Унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан «Давлат қабул қилиш», «Сифатни комплекс бошқариш» тизимлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларида турли элементларни аниқлайдиган лабораториялар, республика ҳудудига олиб кирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори ва сифатини махсус текширувдан ўтказиш маркази ташкил қилинди. Ана шу марказнинг фаол саъй-ҳаракати туфайли фақат бир йилнинг ўзида истеъмолчиларнинг салкам 97 миллион сўм пули муҳофаза қилинди. 20га яқин техникага, 13 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштиришга оид қўлланмалар иқтидорли мутахассиснинг ижодий маҳсулидир.

Ўн икки йилдан бери маҳсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича бош давлат инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Одил Исабеков билан мухбиримиз мулоқоти ҳам мазкур тизимдаги долзарб масалаларга бағишланди.

— Ўтган йил шартномавий муносабатларини ривожлантиришда муҳим қадам қўйилди, — деди у. — Чунончи, шартнома тузувчи субъеклар бу ҳужжат қандай аҳамиятга эга эканлигини, мақсад ва моҳиятини яхши тушуниб етдилар. Тузилган шартномаларда томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, моддий, маънавий жавобгарликлари янада теранроқ ўз аксини топди.

2000 йил ҳосили учун вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда янги шартнома нусхалари ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигининг ижозати билан хўжалик субъектларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича контрактация шартномалари тузиш учун тавсия қилинди.

Давлат маблағлари ҳисобига харид қилинадиган пахта, ғалла ва шолига янги нусхаларда шартномалар тузилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари бўйича шартнома нусхалари кўпайтирилиб, тегишли жойларга етказилаётир. Бироқ олддаги вазифаларни бажаришга киришишдан аввал ортга — ўтган йилга бир назар солиш, камчилик-қусурлардан тегишли хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ бўлса керак, деб ўйлайман.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 1999 йил ҳосили учун тузилган ягона шартнома нусхаларини четлаб ўтиб, бир томонлама, яъни ўз фойдасини кўзлаб ва ҳеч ким билан келишмай ишлаб чиқилган, бир варақдан иборат, қонунчилик талабларига тўғри келмайдиган шартнома нусхаларидан фойдаланиш каби камчиликларга ҳам баъзи жойларда йўл қўйилган.

Шартномаларда томонларнинг юридик реквизитлари, имзолари, муҳрлари, мажбуриятларини тўлиқ кўрсатмаслик ҳамда маҳсулотларни тайёрлаш, унинг сифати бўйича давлат инспекцияси рўйхатидан ўтказмаслик ёки рўйхатдан ўтказиш учун бир неча ой кечиктириб тақдим этиш ҳоллари учради.

Жумладан, Сирдарё вилояти «Оқ олтин» туманлараро «Агрокимётаъминот» акциядорлик жамияти хўжаликларга минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 300 млн. сўмлик 240 та шартнома тузган. Уларнинг баъзиларида ўғитлар қайси пайтда етказиб бериш муддати, айримларида тузилган куни кўрсатилмаган. Баъзиларида эса таъминотчи ташкилот раҳбарининг имзоси йўқ, ҳуқуқшунос хулосалари олинмаган. Шунга қарамай, улар ижро учун қаратилганига нима дейсиз?!

Мирзаобод туман минерал ўғитлар базаси билан 92 та 151 миллион 815000 сўмлик шартномаларнинг иккитасида муҳр мавжуд эмас, ҳатто пул ўтказиш муддатлари кўрсатилмаган.

Қораўзак туманидаги «Маданият» ширкатлар хўжалигидаги шартномалар эски нусхаларда тузилган бўлиб, ҳуқуқшунос хулосалари олинмаган, хўжаликнинг муҳри босилмаган.

Пастдарғом туманидаги «Жума Элеватори» очиқ акциядорлик жамиятида дон қабул қилиш бўйича тузилган 41 та шартнома бир кунда тузилиб, ўша куни инспекциядан ўтказилган. Уларда ҳуқуқшуноснинг ёзма хулосалари берилмаган.

«Гулистонмевасабзавот» уюшмаси (раиси У.Зикриллаев) мева, сабзавотларни харид қилиш бўйича бир томонлама, ҳеч ким билан келишмай, шартнома нусхаларини ишлаб чиққан. Улар фақатгина тайёрлов ташкилоти манфаатларига қаратилган бўлиб, ҳаттоки транспорт харажатлари хўжалик томонидан тўланишлиги кўрсатилган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438- сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ бу каби вазифалар тайёрловчи зиммасига юклатилади.

Ушбу уюшма тизимидаги Гулистон консерва заводининг А.Носиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси билан 17 тонна олмани харид қилиш бўйича тузилган шартномада маҳсулот қиймати ва умумий нархи кўрсатилмаган, транспорт харажатлари тайёрловчи ташкилот томонидан бажарилиши ўрнига хўжалик зиммасига юклатилган.

«Шартнома икки нусхада тузилди» деган сўзлар киритилиб, ҳужжат ўчирилиб, тузатилиб ёзилган. Унинг тўғрилигини имзо ва муҳр билан тасдиқлаш унутиб қўйилган.

Гулистон сут заводининг хўжаликлар билан тузган шартномаси шошма-шошарлик билан тузилганини тезда пайқаш мумкин. Аванс пуллари ойма-ой тўлаб борилиши кўрсатилгани ҳолда, асли маблағ йўқлиги сабабли узоқ муддат хўжаликларга олдиндан аванс пули ажратилмаган. Бундай ҳоллар рўй берган тақдирда томонларнинг жавобгарликлари белгиланмаган. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган жарималар миқдори фоизи қонунчилик талабларига тўғри келмайди, ҳуқуқшунос хулосаси олинмаган.

Ш.Рашидов номли деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси (раиси А.Абдукаримов) билан 40 тонна сутга тузилган 166-сонли шартнома уч ойдан сўнг инспекцияга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган.

«Агромашсервис» бирлашмасига қарашли Сайхунобод МТП давлат акциядорлик жамиятининг 40-сонли шартномасида бандларнинг бажарилиш муддатлари, томонларнинг жавобгарликлари тўлиқ акс этмаган, реквизитлар тузилган жойи кўрсатилмаган, раҳбар имзоси қўйилмаганлигига қарамай муҳр босилган.

Худди шундай камчиликлар Сирдарё МТПга ҳам хосдир. Масалан, «Шоликор» жамоа хўжалиги билан тузилган шартномада хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўрсатиш «унутилган», баъзи шартномалар қалам билан ёзилишига қарамай, томонлар уни ўз муҳрлари билан тасдиқлаб, имзолаганлар.

Шунингдек, Тошкент вилояти «Юқоричирчиқ» жамоа хўжалигининг тумандаги МТП билан тузган 7-сонли шартномасида томонларнинг мажбуриятлари, мулкий жавобгарликлари, мажбуриятларнинг бажарилиш муддатлари ва бошқа ҳуқуқий жиҳатлар ўз ифодасини топмаган.

Хўжаликларнинг ички, оилавий пудратчилар билан тузган шартномаларида ҳам қонунчиликка риоя қилинмаган ҳоллар содир этилганини қайд этиш керак.

«Юқоричирчиқ» жамоа хўжалиги билан 159 та оила ўртасида 690 тонна пахта хом ашёси ҳамда 71 та оила билан 1320 тонна ғалла бўйича тузилган ички хўжалик шартномаларида томонларнинг мажбуриятлари, моддий ва ҳуқуқий жавобгарликлари аниқ белгиланмаган.

Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг (раиси Ш.Қудратов) билан оила бошлиғи С.Зарипов ўртасида тузилган 1-сонли шартномада белгилаб қўйилганидек 70 фоиз аванс пуллари бериб борилмаган, шартларни сабабсиз бажармаган оила бошлиғига нисбатан мулкий, моддий ва ҳуқуқий жавобгарликлар кўрсатилмаганлиги сабабли хўжалик судларига ҳеч қандай даъво аризалар киритилмаган.

Бундай камчиликлар пахта, полиз, картошка ва сабзавот маҳсулотлари бўйича тузилган шартномаларда ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида тузилган ички хўжалик шартномаларнинг 1-бандида дон маҳсулотларини оилавий пудрат асосида етиштириш учун хўжалик ерни июл, август ойларигача бериши кўрсатилган бўлса, бошқа бандида амал қилиш муддати 1 йил, ерни бериш тўғрисидаги далолатномаларда эса 3 йил муддатга, деб ҳар хилликка йўл қўйилган. Мазкур хўжаликнинг 12-бригада пудратчилари Умида Тўраевага ортиқча етиштирилган ҳосилнинг 100 фоизи, Амина Эгамбердиевага эса 60 фоизи ўзида қолишлиги кўрсатилган. Пудратчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳар хил белгилашга йўл қўйиш қонунга хилоф эканини хўжалик раҳбарлари билишармикан?

Афсуски, йўл қўйилган камчиликлар шулар билан тугамайди. Буйруқбозлик, сансоларлик илдиз отган, талабчанлик эса сусайиб кетган жойлар хўжаликлар ва тайёрловчиларнинг муддати ўтиб кетган дебитор ва кредитор қарзлари ошиб бормоқда.

Масалан: биргина Қўшкўпир туманидаги машина тракторлар саройида 152.504 минг сўм дебиторлик 112 млн. сўмдан зиёд кредиторлик қарзлари мавжуд. Шундан муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи 98 млн., кредиторлик қарзи 24 млн. сўмни ташкил қилади. Томонлар ўзаро даъво аризалар киритмаганликлари сабабли ушбу масала жумбоқлигича турибди.

Олинган маълумотларга кўра, 1999 йилнинг 1 декабр ҳолатига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги хўжалик ва корхоналарнинг сотилган маҳсулотлари учун ололмай турган пуллари 35153.1 млн.сўмни ташкил қилади. Шу жумладан:

«Ўзпахтасаноатсотиш» - 19197.2 млн.сўм,

«Ўздонмаҳсулот» -1422.9 млн.сўм,

«Ўзмевасабзавотузумсаноати» -239.8 млн. сўм,

«Ўзгўштсаноати» -237.9 млн.сўм,

«Ўзовқатсаноати» -21.6 млн.сўм ва ҳ.к.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қароридан келиб чиқиб тузилган шартнома шартларида топширилган маҳсулот учун 3-5 календар кунида тайёрловчи ташкилот томонидан ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Афсуски, тайёрловчи ташкилотлар топширилган маҳсулотлар учун турли баҳоналарни рўкач қилиб, пул тўловларини чўзиб юбормоқдалар. Масалан, «Марғилондон» акциядорлик жамияти ўтган йилнинг 28 майида қабул қилган ғалла дони учун ҳатто 27 июлгача пул тўламаган, натижада 162 млн.сўм қарздор бўлиб қолган. Бундай мисоллар кўп.

Шуни ҳам айтиш керакки, хўжаликлар тайёрлов ташкилотлари билан ўз вақтида солиштирма далолатномалар тузмайдилар. Оқибатда пул тўловлари кечикиб кетади. Чунки ҳужжатларни банклар шундай солиштирма далолатларсиз қабул қилмайдилар. Ховос, Дўстлик, Қарши, Қорақўл туманлари хўжаликларининг 20 августга қадар шундай солиштирма далолатномалари тузилмаганлиги сабабли топширилган ғалла донлари учун пулларни ўз муддатларида ололмадилар.

Бундан ташқари, Қорақўл дон маҳсулотлари корхонаси транспорт харажатлари учун 1998 йилда тасдиқланган тарифлар бўйича пул тўлаган бўлса, топширилган донни корхона тарозисида ўлчаганлиги учун хўжаликлардан 288.2минг сўм ушлаб қолган.

«Боғот» ҳиссадорлик жамияти эса 7 декабр ҳолатига 5 минг тонна шоли топширган хўжаликларга 3.5 млн сўмлик транспорт харажатларини тўлашдан бош тортмоқда. Шартномалар тузилишида юқоридаги сингари йўл қўйилган камчиликқусурлар, эътиборсизликлар, ўзи бўларчиликлар пировард натижада шартнома шартларининг тўлиқ бажарилишига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, қайта ишлашда ва уларни эл дастурхонига етказиб беришда ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, айрим хўжаликлар шартнома тузишга тузадилару, ҳеч қандай маҳсулот топширмайдилар. Чунончи, Олот туманидаги М.Сахатов фермер хўжалиги ҳатто бир кило ҳам ғалла, Мингбулоқ, Норин, Чуст ва Янгиқўрғонда туманларидаги паррандачилик корхоналари биронта тухум сотмадилар.

Амалдаги шартномаларга эътиборсизлик билан қаралгани, унинг шартлари бажарилмагани ва ўзаро ҳисобкитобларда йўл қўйилган камчиликлар натижасида жойларда 763164.5 минг сўмлик қарзлар мавжудлиги аниқланиб, улардан 395099.5 минг сўми хўжаликларга ундириб берилди. Пулларни ўз муддатида тўламаганликлари учун тайёрловчи ташкилотларга 19954.1 минг сўмлик жарималар қўлланилди. 262 нафар кишига нисбатан турли маъмурий чоралар кўрилди, шулардан 166 шахсга жарималар солинди. Шартнома шартларини бажармаган корхона ва хўжаликлар 3912.3 минг сўмлик жаримага тортилди. Ушбу ҳолатлар бўйича 37 материал тергов органларига оширилди.

Янги йилдан умидимиз катта. Ҳозирдаёқ 2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта хом ашёсига тузилган контрактация шартномалари 100 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги хўжаликларда ҳам ғалла донига тузилган шартномалар белгиланган меъёрларга етказилди. Бироқ, айрим вилоят, туман, хўжалик ва корхоналарда турли важ-карсон, баҳоналар билан кўзда тутилган миқдорлардан анча кам кўрсаткичлар қайд этилган шартномалар қабул қилинишига йўл қўйилди. Бундай йўл тутиш Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳага тегишли қарорларини ўз муддатида бажарилишини орқага суриш, деб изоҳланиши мумкин, холос. Қолаверса, шартномалар тузилишида сусткашликка йўл қўйилиши оқибатида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси ва тайёрлов ташкилотлари томонидан ажратиладиган аванс пуллари кечиктирилишига олиб келишини унутмаслигимиз лозим.

ВА СЕЛ
мавжуд бўлса...

бошқармасига қарашли муассасалар, жамоа ширкат хўжаликлари ҳамда вилоят аҳолисининг бир қисми жалб этилиб, бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари авария-қутқарув гуруҳларининг вилоятлараро мусобақаси бўлиб, унда вилоятимиз нажоткорлари ғолибликни қўлга киритдилар.

- Бошқарма билан ҳокимликлар ва идораларнинг ҳамкорлиги қандай бўлаяпти?

- Дарҳақиқат, ҳамкорликсиз бирор ишни охирига етказиш мушкул. Шу вақт мобайнида Фуқаро муҳофазаси олийгоҳида 76 нафар, вилоят раҳбар ходимлар тайёрлаш марказида 1409 киши ўқитилди.

Бундан ташқари, белгиланган режа асосида ўқув машғулотлари ўтказиб турибмиз. Умуман олганда Фуқаро муҳофазаси асосий тадбирлар режасига асосан Шаҳрисабз ва У.Юсупов туманларида оммавий ўқув машғулотлари, Касби туманида эса бошқарув ўқув машғулотлари ва турли мавзуларда ўтказилган ўқув машғулотлари даврида бажарилган амалий тадбирлар натижасида 14 млн. 293 минг сўм миқдорда иқтисодий самара келтирилди. Ўқув машғулоти даврида Шаҳрисабз тумани Мироқи қўрғонидаги ер кўчкиси сунъий йўл билан олиб ташланди. Вилоят ҳудудида жойлашган объектлар ва бошқа йирик ишлаб чиқариш корхоналарида жами 19 та ўқув машғулоти ўтказилди.

Кези келганда вилоятнинг шаҳар ва туманларида муқобил хизматлардан ташкил топган 100 кишилик қутқарув командалари тузилиб, хавфли ҳудудларга яқин жойлашган қишлоқларга сафарбар этилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Айни пайтда туманлар марказларида ушбу гуруҳлар учун кичик механизация аслаҳалари сотиб олиш имкониятини қидираяпмиз. Яна бир янгилик: Вилоят ҳокимининг қарорига кўра 22 нажоткордан иборат «Қутқарув хизмати» ташкил этилди.

- Бошқарма томонидан уюштирилаётган тиббий тадбирлар хусусида ҳам икки оғиз...

- Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан хавфли геологик, гидрометереологик жараёнлар ва юқумли касалликлар тарқалиши мумкин бўлган туман марказларида провизорли шифохоналар очиш, уларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш, шунингдек, хавфли ҳудудларда ҳаракатланиш схема (чизма)лари, транспорт ва алоқа воситалари тахт қилиб қўйилган. Қишлоқ врачлик ҳамда акушерлик пунктларидаги тиббий ходимларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича ўқишлари давом этаяпти. Қўшни республикалар билан чегарадош 5 та (Муборак, Чироқчи, Деҳқонобод, Китоб, Нишон) туманларида карантин-назорат қўриқчи постлари ташкил этилиб, ҳар бир постга 4 та ветеринар ва биттадан милиция ходими бириктирилди. Ўз вақтида олиб борилган тушунтириш ишларимиз ўзининг ижобий самарасини берди.

Вилоят СЭСида етарли миқдорда юқумли касалликларга қарши эмлаш учун дори-дармонлар заҳираси яратилган.

- Мавжуд муаммолар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

- Иш бор жойда муаммо бўлиши табиий. Бироқ унга ақл-фаросат билан ёндошилса, ҳаммаси жойига тушади. Хусусан, кўчирилган аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида уларни доимий истиқомат жойларига элтиш, якка тартибда уйжой қуриш учун қурилиш материалларини арзон нархларда сотиш ва суғурта маблағларини тўлашда имтиёзли кредитлар олишга ёрдам бериш масаласи узил-кесил ҳал бўлганича йўқ.

Бундан ташқари, кўчки, сел ва тошқин хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган аҳолига кам фоизли ссуда олишга ёрдам бериш ва уларга арзон нархларда қурилиш материалларини ажратиш лозим деб ҳисоблайман. Ўйлайманки, бу масалалар ҳам тез кунларда ўз ечимини топади.

Суҳбатдош:
Азамат СУЮНОВ.

Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли тадбирларни амалга ошираяпти. Шу боис ишлаб-чиқариш кўрсаткичлари ой сайин яхшиланиб бормоқда.

Суратда: корхонанинг тажрибали лаборанти Муҳайё Кенжаева.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Эл севган санъаткорлар

«УМР ЎТМОҚДАДУР, УМР ЎТМОҚДА...»

Инсон умрини икки эшик орасидан иборат, дейдилар. Ривоят қилишларича, одамзот бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетар экан. Аммо кимдир чиқиб кетаётганда олам уйидан бир ғиштни кўчириб, унинг гўзаллигига путур етказиб, бузиб кетаркан. Кимнингдир эса қандай кириб-чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамай қоларкан. Бироқ, шундай одамлар ҳам борки, улар ҳеч қачон из қолдирмасдан ўтмаганлар. Ўзларидан кейин яхши ном, солих фарзанд, муносиб шогирдлар қолдиришган...

Дилтортар хонишлари неча ўн йиллардан бери жаҳон кезиб юрган, ҳар бирининг номи халқ ўртасида гўзал афсонаю ибратли ривоятларга айланиб кетган Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби қўшиқ дарғаларини бугун ҳам фахр-ифтихор билан тилга оламиз.

Ҳаёт ҳаёт экан-да... Умрни оқар сувга ўхшатишади. Аммо зилол сувдан чанқоғимизни босиб-босиб қондирганимизда унинг боқий эмаслиги, оқиб ўтиб кетишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. У ўтиб кетгач...

Яхшиямки, санъат ўлмайди, унинг умри боқий.

Улкан санъаткорлар оламдан ўтгандан кейин ҳам санъат ривожи тўхтаб қолмайди, уларнинг ажойиб ишларини давом эттирувчи, янада юксакроқ чўққиларни кўзловчи шогирдлари, комил ҳамкасблари етишиб чиқади. Ўзбек қўшиқ санъатининг ифтихори бўлиб қолган бир қанча зотларни бежиз эсламадик. Улар вафотидан сўнг ҳам хонандачилигимизда янги хилқатларни эгаллаган ардоқли санъаткорлар етишиб чиқдики, биз сўз юритмоқчи бўлган ажойиб лирик хонанда Фахриддин Умаров улар орасида энг истеъдодли, энг фусункорларидан ҳисобланади, десак муболағага йўймасангиз керак.

Фахриддин Умаровнинг дилсўз хонишлари республикамиздан узоқ-узоқларда, хусусан қатор шарқ мамлакатларида машҳур ва манзур эканлиги тўғрисида кўп эшитиб, бунга қўникиб қолганмиз ҳам. Лекин яқинда юзлаб санъат мухлислари тўпланган катта йиғинда йирик биолог олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Аҳмад Иброҳимов тилидан эшитганимиз воқеа Фахриддин Умаров ихлосмандлари учун сира кутилмаган, ажойиб совға бўлди.

Олимнинг айтишича, у халқаро симпозиумда қатнашиш учун Голландияга боргану, бироқ сал вақт ўтмай она юрт соғинчи дилгир кайфият туғдиргани боис, қандай қилиб ўзини овутишни билмай юрган кези голландиялик ҳамкасбларидан бири уни ҳоли-жонига қўймай уйига меҳмонга қистайверибди. Гап орасида уйида Фахриддин Умаровнинг энг яхши қўшиқлари ёзилган тасма борлигини, маҳзун чоғларида бу қўшиқларни тинглаб хумордан чиқишини, агар Аҳмад Иброҳимов меҳмон бўлиб борса, уни шу қўшиқлар билан сийлашини айтибди.

- Забардаст ўзбек хонандасининг ажойиб қўшиқлари голланд олими учун энг муқаддас ёдгорлик бўлиб қолганини кўриш мен бутун умримда кўрган мўъжизаларнинг мўъжизаси бўлди, - дейди ҳаяжони ила Аҳмад ака.

Фахриддин Умаров бундай даражага майин ва таъсирчан, ширали ва ўткир овознинг ўзи билангина эришгани йўқ. У игна билан қудуқ, тирноқ билан тоғ қазишга етгулик матонат ва шижоати, сабр-чидам ва иродаси билан юзага чиқиши муқаррарлигига бўлган чексиз ишончи билан эришди...

Айтишларича, одам боласи ўн беш - ўн олти ёшгача ўз қалбига нени жо қилса, умрбод уни тарк этмас экан. Шунинг учун ҳам буюк зотлар, улкан санъаткорлар умрининг дебочасига назар солишнинг ўзиёқ улар эришган чўққиларнинг нечоғлиқ пурвиқорлигини, уларни буркаган зафару щарафларнинг салмоғини ҳис қилиш имконини беради.

Биз сўз юритаётган Фахриддин Умаров Тошкент яқинидаги Қибрай қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг бахти шунда эдики, азон билан очилган тийрак қулоқлар аввал онасининг ёқимли алласи, сўнг отаси Асилпўлат Умаров дутор ва танбурда маҳорат билан ижро этган анвойи куйларни деярли ҳар куни тингларди. Бўлажак ҳофизнинг болалиги ҳам аксар ўзбек болалари каби тупроқли кўчаларни чангитиб ким ўзар, қувлашмачоқ, чиллак ўйнаш, варрак учириш билан ўтди. Аммо унда баъзан ўзи ҳам тушунмайдиган бир ҳолат рўй берар, яъни уфқ билан туташиб кетган кенгликлар, поёнсиз дала-қирлар, ширин-шарбат мевазорга ғарқ боғу роғлар, ойнадек тиниқ кўлларни кўрганда, зилол сувларнинг шивири, шаббода таъсирида қарсақ чалаётган барглар олқишини, қушларнинг чуғур-чуғурини эшитганда юраги завққа тўлиб-тошиб, беихтиёр қўшиқ ҳиргойи қилганини билмай қоларди.

Фахриддинга илк бор қўлига соз ушлашни отаси Асилпўлат ака ўргатди. Куйларни қочириқ билан чалишни, тинимсиз машқ қилди. Шунинг билан бирга пойтахтдан қишлоққа келадиган ҳар бир хонанда, созандаларнинг чиқишларини жон қулоғи билан тинглар, бутун вужуди кўзга айланиб уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатар, шу йўл билан улардан нимадир олиб қолишга интиларди.

Унинг куйга кўчган илтижолари, қўшиқда янграган муножотлари яратганга етиб бордими, ҳар қалай, бир бахтли тасодиф унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Уруш тугаб, халқ эндигина куй-қўшиқлардан лаззат туя бошлаган кунларнинг бирида Ўзбекистон радиосининг бир гуруҳ машҳур хонанда ва созандалари концерт қўйгани Қибрай қишлоғига келишади. Концерт орасида ҳали ҳаваскор хонанда бўлган Фахриддинни ҳам саҳнага таклиф этишади. Ўша йилларда урф бўлган жанговар мавзудаги «Мард юрагим» ва «Эй, кўзим» қўшиқларини маҳорат билан ижро этган хонанданинг овоз имкониятларини пайқаган тошкентлик санъаткорлардан Мавлуда Аъзамова билан Мамадазиз Ниёзовлар дарҳол уни республика радиосига ишга таклиф қилишади. Унинг кейинги ҳаёти ана шу мўътабар даргоҳ билан чамбарчас боғланиб кетди.

Йиллар давомида устозлардан санъат сирларини ўрганган Фахриддин Умаровнинг ўзи ҳам ўнлаб салоҳиятли шогирдлар етиштирди.

Севимли санъаткорлар Камолиддин Раҳимов, Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Хожакбар Ҳамидовлар шулар жумласидан. Бу бағри кенг инсоннинг бундай чўққига кўтарилиши ўз-ўзидан юзага келмаган. Халқ севган ҳофиздан ҳали яна ўнлаб, юзлаб хонандалар ўрганиши керак бўлган жиҳатлар талайгина. Унинг энг диққатга сазовор фазилати - ўта меҳнаткашлигида. Ҳар бир сўз, унинг нозик маънолари, куйдаги қочирим ва соҳирликларни пухта англаб етмагунча ўзи яратган қўшиқни халққа тақдим этмайди. Шунинг учун ҳам у Навоий бўлиб Яратганга муножат қиладими, Бобурдек ёр ҳажри ханжар бўлиб тилган юрагини сизга кўрсатадими, Машрабдек ишқда ёниб тўлғонадими, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов,Жуманиёз Жабборов билан бирга муҳаббат дайрида Мажнун бўлиб кезадими, барибир, қалбингиз тўридан бирдек жой олаверади.

Ўзи куй басталаб яратилган ҳофиз қўшиқларининг 100 дан ортиғи Ўзбекистон радиоси фонотекасида сақланмоқда.

Кам одамларгагина насиб этган бир унвон - халқнинг сўнмас ҳурмати, доимий эътибору эъзози, ўчмас муҳаббати Фахриддин акага насиб этган. Назаримизда, бу ҳофиз эришган ютуқларнинг энг улуғи ва беназири бўлса керак.

Талъат ЮСУПОВ,
Темир ҚУРБОН,

ОНАЛАР ТИЛАГИ

Ўта камсуқум бу аёл 1930 йили Тошкентнинг Эски шаҳарида, ишчи оиласида туғилди. Икки ёшида отадан етим қолган Тўғон ая ўз оиласи мисолида ҳаётнинг барча қийинчиликларини кўрди. Қаҳатчилик, қимматчилик кунларини бошидан ўтказди. Шунинг учунми, у болалик чоғлариданоқ меҳнатга меҳр қўйди. Меҳрибон онаизори оғирини енгил қилиш учун 14 ёшида «Шарқ гули» фабрикасига ишга кирди. Ўттиз йилга яқин шу корхонада ишлаб, жамоа орасида ҳурмат-эҳтиром қозонди.

Мана энди 70 ёшни қоралаб қолган Тўғон ая Маҳмудова ҳали ҳам эл хизматида. У 17 йилдан буён шаҳар уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида ишламоқда.

- Уйда қарилик гаштини суриб ўтирмайсизми? - деб сўрайман аядан.

- Бир жиҳатдан гапингизда жон бор, - дейди у кулимсираб. - Худога шукур, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Турмуш ўртоғим билан 45 йилга яқин бирга яшаб келаяпмиз. Олтита фарзандим - тўрт ўғил, икки қизим бор. Ширидан-шакар неваралларнинг бувисиман. Лекин, барибир уйда ўтиргим йўқ. «Бекорчидан худо безор» деган нақл бежизга айтилмаган-ку.

- Қизларингиз, тўртта келинингиз бор экан. Билишимча, аҳил-иноқ яшаркансизлар, сиз келинлардан, келинлар сиздан хурсанд. Ўзингиз бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

- Умрим мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, кам бўлмадим. Шунинг учун ҳам фарзандларимни ёшликдан шу руҳда тарбияладим. Келинларимга ҳам шундай насиҳат қиламан.

Камчиликларни ётиғи билан, ширин сўз билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ахир, инсонга шундоғам қисқа умр берилган... Дунёда инсондан нима қолади? Яхшилик!

Гулчехра ФАЙЗИЕВА.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Мактаб ўқувчиларнинг қишки таътиллари унутилмас таассуротларга бой бўлди. Қайси бирини айтасиз, ёш томошабинлар театри ёки кинотеатрларда намойиш этилатёган спектакл ва бадиий филмлар, цирк томошалари... Булар ҳар бирининг ўзига хос гашти бор. Шу билан бирга пойтахтимиздаги ҳайвонот боғи ҳам таътил кунларида янада гавжумлашди. Бу ерда болалар ўзлари севган эртак қаҳрамонлари, қушлар дунёси, ҳайвонот олами турли вакиллари билан яқиндан танишиб дўстлашишди, мириқиб дам олишди. Ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглилиги, табиат сеҳри қалбларга бир олам завқ-шавқ бағишлади.

Шундай кишилар бор бўлсин!

ТАНДИРЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Тандирчилик Хоразмда энг қадимий касблардан саналади. Шунинг учун ҳам бу ерда тандирни азиз ва муқаддас ҳисоблаб, тандирхоналарни озода ва саранжом-сариштта сақлайдилар. Ҳатто Хоразмнинг тандирини Эрону Ҳиндистон мамлакатларига олиб кетганлар.

Воҳада қадимда дунёга машҳур тандирчилар ўтган. Ана шундай кишилардан бири хонқалик Оллоберган тандирчидир. Уста бугунги кунда 96 ёшда. Элликка яқин шогирд етиштирган отахон шу соҳада 70 йил тер тўккан.

Кўп йиллар давомида бутун бир тандирчилар сулоласини етиштирди.

Оллоберган отанинг касбини ўғли Худойберган ва набираси Сапавой олдилар. Айни кунларда чевараси Русланбек ҳам бу санъатни ўзлаштирмоқда. У катта бобоси каби бежирим ва сифатли тандирлар ясаб, эл-юртнинг эҳтиёжини қондирмоқда.

Бугунги кунда Хонқа туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги тандирчиларнинг боши бир ерга тўпланиб, тандир цехи ташкил қилишди. Унга устанинг набираси Сапавой Худойберганов раҳбарлик қилмоқда.

Жамоа бошқаруви ушбу цехга зарур вақтларда транспорт ва бошқа жиҳозлар билан яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Тандирчилар мўлжалланган режаларни ошиғи билан адо этмоқдалар.

— Хом ашё лой Янгиариқ туманидаги кўл атрофидан олиб келинади, — дейди Сапавой Худойберганов. — Унга махсус аралашмалар қўшиб ишлангач, кунига 50-60 дона тандир ясалади.

Цехда чиқарилаётган тандирлар мустаҳкамлиги, қулайлиги билан бошқа тандирчиларникидан ажралиб туради. Нархи ҳам қиммат эмас. Шунинг учун ҳам бу машҳур сулола тандирчиларининг маҳсулотига доимо харидор тирбанд.

Бир пайтлар Оллоберган ота хорижликларга, Хива хонлиги ва амалдорларга тандир ясаб берган бўлса, бугунги кунда унинг набира-ю чевералари бунёд қилган тандирларни нафақат Республикамиз вилоятлари, балки Қорақалпоғистон ва Туркманистондан келиб харид қилишмоқда.

Эркин ЭРМЕТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳар тўғрида

КАШФИЁТ ОЛАМИДА

Француз олими Пьер СимонЛаплас 1795 йилдаёқ ўзидан ёруғлик чиқармайдиган, лекин ўзи ёриткич бўлган космик объектлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илмий фаразни айтган эди. Олим бутун зичлиги ернинг зичлигидан, катталиги эса қуёш диаметридан 250 марта катта бўлган юлдузлар қудратли тортишиш кучи туфайли ўзидаги ёруғлик нурларининг четга чиқиб кетишига йўл қўймайди. Натижада бундан юлдузлар ташқаридаги кузатувчига кўринмай қолади. Шу сабабли коинотдаги энг ёруғ юлдузлар ҳам кўринмас бўлиши мумкин, деб ёзган эди. Ана шундай фикрни илмий сейсмология асосчиларидан бири, инглиз олими Ж.Мичелл ҳам илгари сургани яқинда маълум бўлди.

Олам яхлит тузилган бўлиб, у вақт ва маконда чегараланганлигини буюк олим А.Эйнштейн назарий жиҳатдан исботлаган. Аммо олим А.Фридман 20 йилларнинг бошларида бир хил тузилишли оламда токнинг тортиш кучи мавжуд экан. У тинч ва ўзгармай қолаолмаслигини балки ҳозирги даврда кенгайиб бораётганини математик тенгламалар билан асослаб берган эди. Буни А.Эйнштейн ҳам тан олган. Америкалик олим Э.Хаббл галактикалар спекторида қизил силжиш борлигини аниқлади. Товуш ёки ёруғлик манбаи кузатувчига яқинлашса, шундан тарқалган нур ёки тўлқин узунлиги қисқарар, агар узоқлашса чўзилар экан.

ОЛИМНИНГ ТАҲАЛЛУСИ

Улуғ олим Абу Райҳоннинг нисбаси «ал-Беруний» (туғилган жойга нисбатан бериладиган таҳаллус) аниқ бир жойни билдирмайди. Эронча «бирун» ёки дари-форсийча «берун» сўзлари «ташқари», «ташқи шаҳар» маъносини англатиб, ҳозирги замон тожик тилида «берун» тарзида сақланиб қолган.

XII аср тарихчиси ас-Самъоний «ал-Беруний» нисбасини «Шаҳардан ташқарида яшовчи киши» маъносида тушуниш керак, деб таъкидланган эди.

Хўш, Абу Райҳон шаҳардан ташқарида нима қилиб юрибди? Ҳозир «берун» сўзини «ташқари», «шаҳардан ташқари» дегандан бошқача маънода талқин қила олмаймиз.

Олимнинг исмига қўшилиб айтиладиган «райҳон» сўзини келиб чиқиши ҳам бизга қоронғу. Маълумки, Беруний машҳур доришунос бўлиб, жуда кўп ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларини текширган баъзи олимлар шундан келиб чиқиб, Беруний райҳон ҳидлашни яхши кўрган бўлса керак, «Абу Райҳон» дегани «райҳон улашган киши» маъносини билдиради, дейдилар.

Айрим олимлар эса Беруний хоразмлик ал-Ҳасан деганнинг Райҳона деган қизини яхши кўрган, тахаллусни ҳам эҳтимол, шу қиз номидан олган, деб таҳмин қиладилар.

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ

Статистик маълумотларга қараганда, ер юзидаги аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 86 миллион кишини ташкил этар экан.

Ер юзида аҳолининг зичлиги турли минтақаларда турличадир. Бу фарқ аҳолини турмуш тарзи, саломатлиги, ўртача умр кўриши ва бошқа мезонларда яққол кўзга ташланади. Масалан, ривожланаётган мамлакатларда оналар ва болаларнинг ўлими ривожланган давлатлардагига қараганда 15-50 марта кўпдир.

Маълумки, Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ дунёдаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган мамлакатлардир. Хитойда аҳолининг ўсиши йилига 1,4 фоизга, Ҳиндистонда 2 фоизни ташкил этади.

Жаҳон мутахассисларининг фикрича, келгуси ўн йилликда Ер юзи аҳолиси йилига 97 миллион кишига кўпайиб борар экан. Хусусан, шу даврда Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолини ўсиш суръатлари, айниқса юқори бўлиши кузатилади.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Вохидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 025. 1 2 3 4 5 6